

*Оллохнинг энг буюк ихтироси нима? - Одам.
Одамнинг энг буюк ихтироси-чи? - Тил.
Тилнинг энг буюк ихтироси нима? - Сўз.
Сўзнинг энг мукамал хазиnasi-чи? - Лугат.
Лугатнинг энг буюк хазиnasi нима? - Изохли лугат...*

Халкнинг Ватани, давлати каби яна бир буюк, эҳтимолки, бирламчи бойлиги бор. Бу - унинг тили. Айнан тил одамлар гуруҳини бир миллат сифатида бириктиради, яъни халкни - халк, миллатни - миллат килади.

Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун"да сўзни, демакки, тилни айтган билан совумайдиган тарона, олган билан тугамайдиган хазина, деб билади:
Айтиб совумас таронасен сен,
Олиб курумас хизонасен сен.

Чиндан хам, тил - ақл калити. Одамга таъриф берилганда, аввало, унинг жонзотлар бебахра бўлган уч хислати таъкидланади - фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат килиш. Шу уч фазилатдан икkitаси - бевосита, биттаси - билвосита тил билан боглик.

Тил - тарих, бугун, келажак.

Тилнинг энг асосий манбаи - сўз. Бирок сўзлар одамлар, яъни шу тил эгалари ва уни билганлар онгидагина мавжуд. Агар ёзиб олинмаса, бир жойга жамланмаса, маънолари изохланмаса, унинг хам бир қисми бугун-эрта унутилиши, йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун хам қадим-қадимдан олимлар лугат тузиб, сўзларни, улар англатган маъноларни китобга муҳрлаб қўйиш тадориғини қўрган.

Туркий халқлар жаҳон қаҳқашонида шуниси билан хам ҳар қанча фахрланса арзийдики, бизда мингйиллик лугатчилик тарихи мавжуд. Маҳмуд Қошғарий XI асрдаёқ туркий сўзлар бойлиғини араб тилида изохлаб, ўша давргача халқимиз яратган лисоний бойлиғимизни бизга буюк мерос сифатида қолдириб кетган. Бундан ташқари, лугат бўйича яна тўққиз миллий манба мавжуд. Булар - Маҳмуд Замахшарийнинг "Асос ул-балог" ва "Муқаддимат ул-адаб" (XII аср), "Ат-туҳфат уз-закияти ф-ил-лугат ит-туркия" (XIII аср), Толе Имон Хиравийнинг "Бадоеъ ул-лугат" (XV аср), номаълум муаллифнинг "Абушка" (XVI аср), Муҳаммад Ёқуб Чинғийнинг "Келурнома" (XVII аср), Муҳаммад Ризо Хоксорнинг "Мунтахаб ул-лугот" (XVIII аср), Мирзо Маҳдийхоннинг "Санг-лох" (XVIII аср), Сулаймон Бухорийнинг "Лугати чигатойи ва турки усмоний" (XIX аср) асарлари.

Ўзбек тили изохли лугатини тузиш анъанасининг юзага келишига асос бўлиб хизмат

килган манбаларнинг биринчиси - шу. И к к и н ч и тоифасига рус олимларининг XIX аср охири - XX бошларида тузган лугатлари киради.

Шўро давридаги лугатчилик у ч и н ч и гуруҳ манбаларни ташкил этади. Хусусан, 40 минг сўзли "Ўзбекча-русча лугат" (1959) ва икки жилд-ли "Ўзбек тилининг изохли лугати" (1981) бу жихатдан алохида ахамиятли бўлди.

Тил меъёрларсиз яшай олмайди. Аммо меъёр котиб колган нарса эмас, яъни у абадий бўлмайди. Чунки бу меъёрлар ҳам, тилнинг ўзи каби, ижтимоий тараккиёт билан боғлиқ холда ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб бораверади. Шунинг учун хар давр тилининг ўз изохли лугатига мухтожлиги бор. Шунга карамай, унча-мунча халк-да хозиргача ҳам изохли лугат йўк. Кўпларида бу эзгу иш бошланган, лекин чала колиб кетган.

Ўзбек лугатчилиги камида мингйиллик бой тарихга эга бўлса-да, лугатларнинг аксарияти икки, айримлари кўптилли эди. То ўтган асрнинг 80-йилларигача ўзбек тилининг бугунги маънодаги изохли лугатига тартиб берилмаган. Икки жилдли "Ўзбек тилининг изохли лугати" (1981) хозиргача кўлимиздаги ягона манба бўлиб хизмат килиб келаётган эди. Бирок, очигини айт-ганда, бугунга келиб бу лугат ҳам талабга жавоб беролмай колди.

Сўзлар таркибининг ўзинигина хисобга олганда, хозирги ўзбек тили, хатто, бундан бор-йўги 15-16 йил олдинги тил бўлмай колгани, Давлат тили макоми берилиши, хусусан, мустикаллик шарофати билан бу тилнинг жамиятдаги ўрни ва мавкеи кўтарилгани, ижтимоий вазифаси олдинги даврдагига солиштириб бўлмайдиган даражада кучайгани, унда кучли давлат сиёсати олиб борилаётгани, сунъий равишда ўзгалар таъсирига туширилишдан кутулиб, эркин ва мустикал (бошка "ога" лисон таъсиридан холи холда) ривожланиш йўлига киргани, миллийлаша бошлагани биринчи галда лугат таркибида катта ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди.

Ўзбекистон хар тарафлама замонавийлашди. Жахонга кўшилди. Тузум ўзгартирилди. Янги-янги тушунчалар кириб келиб, булар ўзига ном талаб килди. Демак, тил бойишга киришди. Шўро замонида фаол бўлган кўпдан-кўп сўзларга янги-янги маънолар юкланди. Айримлари бошка ифодаларга ўрин бўшатиб берди. Тарихимизга, бой миллий меросимизга, мукаддас динимизга муносабатимиз ижобийлашди, бу эса кўп-кўп сўз-истилохларнинг кайта "тирилиши"га асос бўлди. Сиёсий-хукукий, ижтимоий-иктисодий ва маънавий-маданий хаётнинг ўзидаги ўзгаришлар туфайли лекцик катламда талай янги-янги тушунча ва истилохлар юзага келди. Лугатчиликнинг бугунги замонавий талаблари ҳам йил сайин ўзгариб, такомиллашиб борапти.

Шу сабабларга кўра, давр янги "Ўзбек тилининг изохли лугати"ни тузишни талаб килар эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-Карори ва унга илова килинган Дастур асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари беш жилдли изохли лугатни тартиб беришга киришди. Ўн йилдан ошик давр мобайнида машаккатли меҳнат килинди.

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти 2006 - 2008 йиллар мобайнида беш жилдли "Ўзбек тилининг изохли лугати"ни нашр этди (1 - 2-жилдлар 2006, 3-жилд 2007, 4 - 5-жилдлар 2008 йили чикди). Бешала жилд хам захматкаш тилшунос Абдувахоб Мадвалиев тахрири остида чикди.

Хўш, ушбу изохли лугатнинг ахамиятини кандай изохлаш мумкин?

Сўз тилнинг асосини, унинг энг асосий бойлигини ташкил этади. Тилимиз - бу жихатдан дунёдаги бой лисонлардан бири. Хўш, ўзбек тилида канча сўз бор?

1981 йили чоп этилган икки жилдли "Ўзбек тилининг изохли лугати"да 60 минг сўз изохланган. Бирок, бу тилнинг сўз бойлигини тўлик камраб ололмагани аниқ. Чунки эски ўзбек тили бор, аср-асрлар мобайнида неча-неча асарлар сакланиб колган. Навоийнинг ўзи 26 мингдан ошиқ сўз кўллаган. Буларнинг бир қисми хозир хам тилимизда мавжуд. Лекин бу буюқ шоир ижодида бугунги адабий тилимизда мавжуд бўлмаган яна канча-канча сўз бор. Очигини айтганда, хали мумтоз адабиётимиз намуналари тилининг мукамал лугати тузилгани йўқ. "Алишер Навоий асарлари тилининг изохли лугати" 4 жилдлиги чиккан, холос. Бир кун келиб ўзбек тилининг мукамал изохли лугати тузиладиган бўлса, унга, албатта, шеваларимизга хос сўзлар хам, мумтоз адабиётимиз ва тарихий матнларда сакланиб колган калималар хам киритилади ва ўшанда, эхтимол, лугат бойлигимиз 150 минг сўздан хам ошса, ажаб эмас.

Беш жилдли лугат мохиятан хозирги ўзбек тилининг сўз ва тургун сўз бирикмаларини изохлайди. Бирок энди аввал хозирги ўзбек тили тушунчасини аниқлаштириб олишимиз керак. Бу тушунчага камида ярим асрлик ва ундан хам кўпроқ давр адабий тили киради. Бундай дейишимиз бежиз эмас. Шўро даврида тузилган изохли лугатга 60 минг сўз кирган бўлса, хозиргиси 80 мингдан ортик сўзни изохлайди. Орадаги тафовут - 20 минг сўз! Икки изохли лугатимиз ўртасидаги биринчи фарқ - шу.

Лугатчиликда 20 минг сўз катта хажм хисобланади. Чунки, олимларнинг аниқлашича, энг сўзамол, энг чечан, энг бийрон, энг нотик, энг воиз одам хам нуткида амалда бор-йўги 2 минг атрофида сўз ишлатар экан. Кўшимча 20 минг сўзнинг кўпи тилимизга кейинги йиллари кириб келган ёхуд кайта фаоллашган. Албатта, олдинги лугатга бошка турли сабаблар билан кирмай колган, лекин бунисига киритилган сўзлар хам - анча.

Яна бир кизик холатни кайд этиб ўтиш зарур. Лугат, асосан, хозирги ўзбек тилида ишлатилаётган сўзларни изохлайди. Лекин хозирги деганда факат айни кундаги тил эмас, шу замондаги тил инобатга олинади. Бунда камида ярим асрдан кўпроқ давр кўзда тутилади. Истиклол йилларида юз берган туб ўзгаришлардан олдинги тилда яратилган асарларни хам ўқиб, тушунишимиз учун лугат керак-ку. Шунинг учун бу борада оқилона йўл тутилган: шўро даврининг охириги даврида фаол бўлган аксар сўзлар хам лугатдан жой олган. Уларнинг эскирганларига эскирган, тарихга хос деган изох бериш нутилмаган.

Бир хорижлик киши шўро давридаги газеталаримизни ўқишга киришди, дейлик. Мархамат, шу янги лугатдан фойдаланавериши мумкин. Чунки унда редакция, редактор,

министр, совет, комитет, союз, анализ, колхоз, совхоз каби сўзлар ҳам бор, уларнинг хозирги тахририят, мухаррир, вазир, кўмита, уюшма, тахлил каби шакллари ҳам мавжуд. Масалан, союз сўзи шўро даврида ниҳоятда фаол ишлатилар, унга кўп-кўп маънолар юклатилган эди. Ёзувчилар уюшмаси илгари Ёзувчилар союзи дейилганидан ҳам хулоса чиқариб олавериш мумкин. Шунини лугатга союз (қаранг: уюшма, иттифок) деб беришган. Анализ сўзининг хозир тахлил экани ҳам қайд этилган. Чунки тилимизда қон анализи ёки қонга анализ топширмоқ сўз бирикмалари бугун ҳам ишлатилади. Демак, лугатга союз, анализ каби сўзларнинг ҳам киритилиши - табиий. Шу тариқа лугат яқин давр тили тарихининг ҳам бой хазиначиси янглиг хизмат қилаверади.

Мустақиллик йиллари кўплаб русча-байналмилал сўзлар ўрнини миллий-шарқона сўзлар эгаллади, шу билан бирга, бозор иқтисодиёти ва демократия даврида, ўз-ўзидан, менделлизм, менежерлар, менежмент, тендер ва бошқа шу каби кўплаб халқаро-ғарбона сўзлар янгидан қириб қелди. Лекин янги лугат тузиш мураккаблигини қарангки, қолхоз сўзини қиритмаси бўлмади, чунки шўро давридаги матнларда учрайди, уни бугунги ўқувчи тушуниши шарт. Йўли топилган, қатъияти(принтсипи) ишлаб чиқилган. Яъни сўз берилади, унга эск. тар.(яъни эскирган, тарихга оид) деган изох берилади, сўнг яна изох матни олдига шўро даврида деб тушунтириш берилади (қаранг: 2-жилд, 391-бет).

Икки изохли лугат ўртасидаги иккинчи тафовут шундан иборатки, янгида арабий ва форсий тиллардан ўзлашган сўзларнинг араб ёзувидаги ифодаси қавсда берилган. Албатта, лотинча, юнонча, франтсузча ва бошқа ғарбий тиллардан олинган сўзлар лотин ёзуви асосида дарж этилган. Бу эса нашрнинг илмий- филологик аҳамиятини янада ошириб юборган.

Учинчи фарқ лугат тузиш қатъиятларини белгилашда ёркин намоён бўлган.

Бу - янги дунёқараш билан тузилган лугат. Айтайлик, шўро даврида тузилган лугатдаги баъзи тушунчаларга изох билан бугунги изох баъзан қескин фарқ қилади. Мисол тариқасида капитал-изм сўзига берилган икки изохни қиёслаб қўрайлик: "Юқори ишлаб чиқариш даражаси, фуқаролик қамияти, ривожланган бозор иқтисодиётига ҳамда хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий тузум" (2-жилд, 316-бет). Айни таърифнинг олдинги икки жилдли лугатдаги мана бу изохдан ер билан осмонча фарқи бор: "ҳамма ишлаб чиқариш воситалари ёлланган ишчиларни эксплуатация қилувчи капиталистлар синфининг хусусий мулки ҳисобланадиган ижтимоий тузум" (Ўзбек тилининг изохли лугати. Икки томли. 1-том. Москва: "Рус тили" нашриёти. 1981. 367-бет).

Демак, тўртинчи фарқ янги лугат янги дунё-қараш махсули эканидан қелиб қикади.

Шуларга қўра, бу, тўғри таъқидланганидек: "икки жилдли олдинги лугатнинг тўлдирилган ёки қандайдир ўзгаришлар билан қайта ишланган нашри эмас, балки лексикографиянинг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда яратилган мутлақо янги лугат" (1-жилд, 5-бет). Бироқ бу дегани қенг хронологик доирада ўзбек тилининг барча сўз бойлиги қамраб олинибди, дегани эмас.

Албатта, эски ва янги давр лексик меъёрлари лугат тузувчиларини қалғитган жойлари

хам учрайди.

Форс-тожик тили ХВИ асрдан эътиборан жиддий дифферентсиацияга учрай бошлади, хозирги замонга келиб Эрон форсийси - форс, Марказий Осиё форсийси - тожик, Афғонистон форсийси - дарий тили дейилади. Шунга кўра, лугатдаги дарий сўзи хакида деярли барча маълумотлар берилгани холда, энг асосий жихат - Афғонистон форсийлари тили дарий дейилиши айтилмаган.

Дўнганлар маколasiда бу этник гуруҳ хакида: "Марказий Осиёда, асосан, Козогистон, Киргизистон, кисман Ўзбекистонда яшайдиган халк", - деган маълумот берилади. Холбуки, дўнганлар, асосан, Хитой Халк Республикасининг Шинжонг вилоятида яшайди. Изохли лугатга бу каби маълумотларни аниклаштириб олишда 12 жилдли "Ўзбекистон миллий энтсиклопедияси"га суяниш керак эди. Бир нашриётда босилган икки жиддий манбада бир халк хакида икки хил маълумот кетиши тўгри эмас, чунки улардан бири - чала.

Лугат манбалари учга бўлинади: бадий адабиёт, илмий асарлар, матбуот материаллари. Таржима матнлардан хам унумли фойдаланилган. Йиллар мобайнида Институтда жами 3 миллионли мисол-картотека йигилган эди. Бу - кўплаб илмий ходимларнинг йиллар мобайнидаги захматли меҳнати эвазига кўлга киритилган бойлик. Лугатни тузишда улар жуда-жуда аскотди. Чунки сўзнинг хар бир муайян маъноси мисол билан далилланиши - шарт. Бошкacha айтганда, шу мисоллар тахлили асосида сўзлар маънолари дифферентсиациялашади.

Лугатнинг юзага келишида Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, филология фанлари доктори, профессор Азим Хожиев томонидан ишлаб чикилган "Ўзбек тилининг изохли лугати"ни тузиш ва ундан фойдаланиш катъиятлари (принтсиплари) ўта мухим омил бўлиб хизмат килган. У ёхуд бу тартиб-қоида баъзан бор-йўги биргина жумлада баён этилади-қўйилади. Аммо унинг замирида шундай нозик илмий асос, қоида, катъият ётадики, айнан шу хулосага келиш учун лугатчилигимиз жуда узок тарихий тажриба тўплаш жараёнини бошидан кечиргани аник.

Биргина катъиятнинг илмийлик ва хакконийлик даражасига эътибор берайлик: "Лугатнинг меъёрийлиги шундан иборатки, унда адабий тилнинг имло, талаффуз, сўз ясаш ва уни ишлатиш меъёрлари тавсия этилади. ...Лекин меъёрни пайкаш, меъёрий холатларни ажратиб олиш осон иш эмас. Шу сабабли адабий тил меъёрларини белгилашда лугатда айрим камчиликлар, мунозарали, бахсли холлар бўлиши табиийдир. Лугатнинг юзага келиши, адабий тил меъёрларини катъий, барқарор холга келтириш билан бирга, унда узил-кесил хал этилмаган масалаларни аниклаш ва бартараф кила бориш учун хам ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Шуни хам алохида кайд этиб ўтиш керакки, меъёрий лугат адабий тил меъёрларини белгилашга интилар экан, меъёрларни абадийлаштирмайди. Чунки тил меъёрлари хам, тилнинг ўзи каби, ижтимоий тараккиёт билан боглик холда ўзгариб, ривожланиб туради" (1-жилд, 8-бет).

Азим Хожиев лугат тузиш катъиятларини ишлаб чиқар экан, сўзларни изохлашнинг олти катламини очиб беради. Булар бош сўз; лугат маколasiнинг бош сўздан кейинги

компоненти - бош сўзнинг этимологияси хакидаги маълумот; лугат маколасининг этимологик маълумотдан кейин-ги бош сўзга унинг маъноси олдидан бериладиган грамматик, услубий ва хавола этувчи кайд-лар; изохланувчи бирликлар (бош сўз ва тургун иборалар) маъносини (маъноларини) белгилаш ва кайд этиш; лугат маколасининг энг асосий кисми (компоненти) изохланувчи бирликлар маъноси(маънолари)га бериладиган изох; лугат маколасининг сўнги компоненти изохланувчи бирлик маъноси изоҳидан кейин бериладиган иллюстратив мисол (мисоллар).

- Бир куни Эски Жўвадаги ховлисига борсам, азбаройи карточка-коғозларни титкилайверганидан домланинг кўллари конаб кетибди, - деб хикоя қилади Тил ва адабиёт институти директори, профессор Тўра Мирзаев академик Азим Хожиев хакида.

Бу лугатнинг кандай машаккат билан юзага келганини тасаввур қилиш учун бундан бошқа ҳар кандай гап ортикча бўлса керак...

Хуллас, лугат тузиш катъиятларига тилшунослигимиз эришган энг сўнги ютук янглиг қараш керак. Ҳар бир жумласида пухта илм бор, десак, муболага бўлмас. Мана бу жумла маъносини чакиб кўрайлик: "Сўзлар умуман эмас, балки маъноси, маълум маънолари билан синоним бўлади" (1-жилд, 18-бет). Бу лугат тузиш учун бирламчи масалалардан саналади. Айтайлик, бирдай деган сўз билан доим сўзи ўзаро ҳеч боғланмайдигандек туюлади. Бирок бирдай аҳвол шу ифодасида бу сўз доим, хамиша, ҳамма вақт-га маънодош (қаранг: 1-жилд, 273-бет). Демак, бу лугатда сўзларнинг ана шундай ўта нозик маънодошлик (синонимик) хусусиятлари ҳам акс этган.

Ишлаб чиқилган катъиятларга бошдан-охир амал қилиш - осон иш эмас. Биргина катъиятни олайлик: "Лугат маколасининг бош сўздан кейинги компоненти бош сўзнинг этимологияси хакидаги маълумотдир. Этимологик маълумот қардош бўлмаган чет тил сўзларига берилди" (13-бет). Энди қавсда барча чет сўзларнинг этимологик маъносини бериш шарт. Чунки шунга келишиб олинди. Лекин кўшма сўз, масалан, айбнома бўлса, айб ва нома сўзлари алоҳида-алоҳида келганда, этимологик изох берилган, айбномага эса бундай изох шарт эмас, деб ҳисобланган ва бу лугатда катта ихчамликка олиб келган.

Агар ихчамлаш йўли тутилмаса, ҳар кандай лугат ҳаддан ташқари семириб кетиши - тайин. Шунинг учун ихчамлашнинг оқилона йўллари изланган ва топилган. Масалан, одамга нисбатан оғзаки нутқда ишлатиладиган иккикат, бўғоз сўзлари махсус изохлаб ўтирилмасдан, хомиладор сўзига хавола берилган. Бунда к. (яъни қаранг) ёки айн. (яъни айнан) деган ишора билан ўқувчи хомиладор сўзи маъносини ўқиш орқали бу синонимлар маъносини билиб олишга ундалган.

Ҳар бир сўзга шунақа грамматик мезонлар билан ёндашилганки, ўқувчи қаида сўзнинг нисбати, сони (бирликда ё кўпликдалиги), боғловчи, кўмакчи ёки юкламами-йўқлиги, қучайтирма ёхуд қичрайтирма шакли, сифат ёки сифатдошлиги, равиш ёхуд равишдошлиги, тақлидий ё ундов сўзлиги, эркалаш шакли ёхуд ҳаракат номи эканини билиб олади. Шунингдек, сўзнинг услубий белгилари, яъни грамматик белгидан бошқа жиҳатларидан ҳам хабардор бўламиз. Масалан, сўзнинг болалар нутқига хослиги,

касб-хунарга оидлиги, китобий, поетик экани, шевага доирлиги, сўзлашув нуткига оидлиги, эскирган сўз экани, кўпрок хотин-кизлар нуткида учраши, хакорат сўзи эканидан ҳам огох бўламиз. Бу бизга муайян сўз хакида максимал билим беради. Лекин хамма сўзнинг ҳам грамматик белгисини ифодалаш шарт эмас. Айтайлик, китоб - от, гўзал - сифат, келмок - феъл экани шундок ҳам кўпчиликка маълум, шунинг учун уни лугатда алохида кайд этиб ўтириш лозим топилмаган. Аммо келмокнинг маънолари 13 бандда изохланган, бу сўз иштирокидаги 16 ибора маъноси ҳам шархланган.

Лекин ўзи - зидловчи боғловчи. Бирок у асл вазифасидан ташкари маъноларда ҳам ишлатилади. Унинг лекини бор дейилганда бу сўз от бўлиб келяпти, шундан ҳам ўқувчи хабардор қилинган. Лугатда тилимизнинг ана шундай нозикликларига акс этган. Бу: "Сўзнинг лугатда кайд этилган биронта ҳам маъноси изохсиз колмаслиги керак" (1-жилд, 18-бет), - деган катъиятга огишмай амал қилинганидан далолат беради.

Энди мана бу катъиятга эътибор қилайлик: "Баъзи сўзлар кенг (кенгрок) тушунчани билдиради. Биргина мисол бундай сўзлар маъносининг хусусиятини тасдиқлай олмайди. Бинобарин, уларнинг маъноси изохидан кейин ана шу изохни етарли тасдиқлайдиган мисоллар келтириш керак бўлади" (1-жилд, 20-бет).

Масалан, анжуман сўзи йигин, мажлис деб изохланган. Учта мисол келтирилган. Биринчисида оддий давра, мушоара кечасини, иккинчисида бир катта расмий йигинни, учинчисида халк-аро илмий конференцияни англатиб келган (қаранг: 1-жилд, 85-бет).

Хўш, янги изохли лугат бевосита қандай вазифаларни ўтайди?

У, аввало, ўзига хос этимологик лугат ўрнини ҳам босади. Масалан, бекойиш сўзига олд кўшимчасидан ажратиб қарасак, койиш (уришиб қўйиш) деган туркий сўзга шаклдош сўз пайдо бўлади. Холбуки, булар - бошка-бошка сўзлар. Бекойиш - форсий кохиш сўзининг талаффузда ўзгарган ("х" товуши "й"га айланган) шакли. Кохиш сўзи қамайтириш, пасайтириш; ташвиш, дард-койиш маъноларини англатишини лугатдан билиб оламиз (2-жилд, 415-бет). Аммо унга бе- олд кўшимчаси қўшилганидан кейин сўз шодон, мамнун деган маъноларни англатадиган бўлганини ҳам англаймиз (1-жилд, 216-бет).

Аммо катъиятда ҳар хилликлар бор. Масалан, бекойиш сўзида бе- олд кўшимчаси - кирилл, кохиш сўзи эса арабий ҳарфда, бекор сўзининг факат арабий ҳарфдаги ифодаси, бемехр кириллча ҳарфлар (бе.+ мехр) билан берилган. Бу уч сўз олд кўшимча орқали ясалгани жихатидан бир хил тартибда изохланиши керак эди.

Бу лугат, ўз-ўзидан, бир йўла турли йўналишлардаги истилохлар лугати вазифасини ҳам ўтайверади. Чунки 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмасининг муайян қисми - муайян соҳага тегишли термин. Истилохларни изохлаганда илмий эркинликка йўл йўқ. Чунки бир маъноли сўзларгина термин ҳисобланади, яъни истилохда сўз ўта аниқ чегараланган маънони ифодалайди.

Диаспора сўзи изохи мана бундай: "Зўрлаб, мажбурлаб қўчириш, генотсид хавфи ва

бошка ижтимоий-тарихий, диний сабабларга кўра ўз ватанидан бошка мамлакатда яшовчи этник гурух" (1-жилд, 605-бет). Бу ўқувчининг билимини мустахкамлайди, унинг онгидаги чалкашликка бархам- беради. Демак, Ўзбекистонимиздаги тожик, козок, киргиз, туркман каби миллатлар вакилларига нисбатан диаспора сўзини кўллаш асло мумкин эмас, чунки Ўзбекистон - уларнинг ҳам ўз қадимий юрти, асл Ватани. Огзаки нутқда баъзилар билиб-билмай мамлакатимиздаги бу этник гурухларга нисбатан диаспора сўзини кўллаши - мутлако хато. Лугат шунга ўхшаш нозик масалаларда сўзга жуда хушёр ва эътиборли муносабатда бўлишга ундайди.

Апостроф сўзига берилган изох - чала. Унинг юнонча четга, орка томонга караган, қаратилган деган маънони англатувчи сўздан олингани айтилиб, кейин қуйидагича изох берилади: "Ёзувда (баъзи тилларда) харфий белги билан кўрсатилмайдиган унли ўрнида сатр устига қўйиладиган вергул кўринишидаги белги (Ъ)" (1-жилд, 91-бет). Бу қисман тўғри. Лекин лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси юзасидан ишлаб чиқилган тиниш белгилари орасидаги апостроф бу изохга мос келмайди-ку. Биринчидан, у бизда унли ўрнида ишлатилмайди, айириш белгиси вазифасини ўтайди, унлидан кейин ҳам (раъно, неъмат), ундошдан сўнг ҳам (суръат, объектив) қўйилаверади. Иккинчидан, уни тутук белгиси деймиз. Шу икки жихат лугатда қайд этилмаган. Ёки гендер сўзи ҳозир тилимизда тез-тез ишлатиляпти, аммо лугатга киритилмабди.

"Ўзбек тилининг изохли лугати" ўзига хос маънодош сўзлар (синонимлар) лугати вазифасини ҳам ўтайди. Биринчи мисол: тилимизда, хусусан, адабиётимизда андалиб сўзи булбулнинг маънодоши сифатида ишлатилади. Шу ҳам берилиб, булбулга қараш тавсия этилади.

Лугат ўзига хос тарзда имло лугати вазифасини ҳам ўтайди. Чунки ана шу 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси амалдаги имло қоидалари асосида ёзилган. Ҳозирги имло қоидалари эса 1956 йилдан бери амал қилиб келяпти. Кимлардир лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси қонун-қоидаларини кўр-кўрона қирилл ёзуви асосидаги амалдаги имло қоидаларига қиритиб, шошди, хатоларга йўл қўйиб юрибди. Масалан, юмшатиш белгиси () лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида йўқ, лекин уни жорий алифбодан хали ҳеч қим чиқариб ташламаган-ку. Шунга қарамай, айрим газеталаримиз қирилл ёзувида ҳам юмшатиш белгисидан воз кечиб қўя қолди. Холбуки, бир алифбо қоидаларини иккинчисига кўр-кўрона олиб ўтиш қўп чалкашликларга олиб келади. Лугатда ана шу 1956 йил қоидаларига қатъий амал қилинди. Лекин "мисол-тситаталар 1956 йилгача амалда бўлган эски имло қоидалари асосида чоп этилган манбадан олинган бўлса, улар ҳозирги (амалдаги) имлога мослаб берилди" (1-жилд, 20-бет).

Бу ўзига хос фразеологик лугат вазифасини ҳам ўтайди. Биргина кўнгил сўзи билан алоқадор нақд 61 ибора шарҳланган.

Ҳар қандай ёзма матнни ўқиб ёхуд бир оғзаки нутқни эшитиб турганда шундай бир муҳим сўзга дуч келиб қоласизки, жумланинг бор моҳияти, аслида, ўша қалима орқали ойдинлашади. Лекин сиз уни умрингизда эшитмагансиз. Табиийки, бундай кезде лугат беиннат ёрдамга келади.

Ёхуд илмий, бадий, публитсистик, расмий-идоравий матн тузаётганда, бирон-бир тилдан ниманидир таржима қилаётганда ок коғоз узра каламингиз бирдан тўхтаб қолади: сиз ифодамакчи бўлган маънони берадиган сўз топилмагандек, ёдга келганларининг биронтаси ҳам мос тушмаётгандек ҳолат юз беради. Шунда киши дарҳол лугат титқилашга тушади. Чунки изохли лугатларда сиз топган, аммо унчалар ёкмай турган сўз ёнига унинг маънодошлари ҳам қайд этилади-да. Топиб, бирдан дилингиз яйраб кетади. Бундай жараёнларда ҳали асрлар мобайнида бу лугат қимларга қанчалар аскотишини олдиндан тасаввурга келтириш жуда мушкул. Машҳур бўл-ғор таржимони Сидор Флорин ўз ижодий тажрибасидан келиб чиқиб, бир йилда уч мартагина титқилашга тўғри келса, у лугатни сотиб олганимизга асло пушаймон қилмаслигимиз кераклигини айтган. Рост гап - шу.

Тил ҳамма замонда халқни бирлаштиришнинг энг асосий қуроли бўлиб келган. Адабий тил - шу забонда сўзлашувчиларнинг барчаси учун тушунарли ҳисобланган, бошқача айтганда, "ўзаро шартлашув" асосидаги лисон. Айтайлик, Бухоро ўзбеклари шевасидаги шу ҳудудда ҳамма бемалол англаб олаверадиган мана бу жумлани Хоразм, Тошкент ёки Фарғонада биров тушунмаслиги аниқ: "Бирон қўшан билан бориб, язнамлани инаглари қўсаласини кўрмоқчин эдик, бобомуллом билан ойбийим қўймадила, боҳар бўлингла, ямон чарс экан, туновун биттасини бир уриб, йикитибди, мадонгача зўрга эмаклаб келибди бечора, деб..." Бу жумладаги қўшан - тўёна, язна - почча, инаг - сигир, қўсала - бузук, бобомулло - қайната, ойбийи - қайнана, боҳар (боҳабар) - эҳтиёт, чарс - сузонгич, туновун - тунов қуни, яъни кеча, мадон - даҳлиз эканини қай бир одамга бирма-бир айтиб, улгурасиз? Демак, сўзловчи фикрининг Ўзбекистон бўйича, ҳатто, дунёнинг ўзбеклар яшайдиган барча қўшаларида ҳамма қийналмай тушуниш ини истаса, уни адабий тилда ифодалашга мажбур-да.

Шунга қарамай, лугатда айрим шевага ҳос сўз ё унинг вариантлари ҳам изохланган. Бунда ўша шевага ҳос сўзнинг ишлатилиш даражаси билан ҳисоблашилган. Айтайлик, авара сўзи ҳам берилган, унинг шевага ҳослиги, эвара маъносида ишлатилиши билдирилган. Гуруч баъзи шеваларимизда биринж дейилади. Вариант сифатида у ҳам берилган. Чунки оммалашган айрим халқ қўшиқлари, масалан, "Бойчечак"да айнан шевага ҳос шу шакл учрайди:
Югуриб бозорга борса,
Гўшт, биринж олиб келса.

Адабий тилимизда айрим сўзларнинг вариант-лари бор. Масалан, қаптар - кабутар, невара - набира, билан - бирла, бирга, бирга - бирла - бирлан - билла ва хоказо. Лугатда булардан асосийлари тўларок изохланиб, вариантига ҳавола этиб кетилаверган. Ҳар ҳолда, ўқувчи унисини ҳам, бунисини ҳам ишлатиш мумкинлигини билиб олади.

Талабалик йиллари ТошДУ, яъни ҳозирги ЎзМУнинг журналистика факултетида ўзимиз тугилиб-ўсган ҳудуд маҳаллий газетаси тилини таҳлил қилиб, курс иши ёзиш топширилди. Бостирма сўзи билан сас сўзини тўғри изохлай олмаганим ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди. Бостирма деганда силос бостириладиган хандақни, сас деганда эса бадбўй, яъни сассикликни тушунган эканман. Холбуки, бостирма сўзи ҳас-ҳашак билан ёпиладиган айвонни англатар экан. Чунки бу икки сўз ҳам Бухоро шевасида

ишлатилмайди, бирининг ўрнига хасайвон, иккинчисининг ўрнига товуш кўлланади. Ишлатилмаса-ишлатилмасин, лугат шундай кунга керак. Беш жилдли лугат шу каби хатоликларга йўл кўймасликни таъминлайди.

Агар кимки изохли лугатдан фақат шу тил эгаларигина фойдаланади, деб ўйласа, катта хато килади. Хар кандай тилнинг изохли лугати бира-тўла бу тилни ўрганувчи бошка тиллар вакиллари учун ҳам бой ва фойдали манба вазифасини ўтайди. Шу нуктаи назардан лугатнинг 5-жилдида "Сўз ясовчи ва шакл ясовчи кўшимчаларнинг изохли-иллюстратив кўрсаткичи" берилгани айтилган. Аввало, бу кўрсаткични тузиш катта илмий салоҳият ва меҳнат-машақат талаб этади. Колаверса, бу кўшимчалар билан келган сўзларнинг хар кунини неча-нечасини ишлатиб юрган одам бўлса ҳам, уларни бир ерда жамланган холда кўриб чиқса, шубха йўқки, тилимиз сўз ясовчи ва шакл ясовчи кўшимчалари кўплиги жихатидан дунёдаги энг бой тиллардан бири, деган хулосага келади. Бу кўрсаткичда жами 355 кўшимча изохланган.

Лугатнинг беш жилдини қайта-қайта варақлаш жараёнида пайдо бўлган яна айрим мулоҳазалар борки, уларни, эҳтимол, бу катта лисоний манбанинг яқин келажақда лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида чоп этиш пайтида инобатга олинар, деган мақсадда баён этсак...

Бахт сўзига изох бор. Лекин бахт уйи бирикмаси алоҳида тушунчани англатади. Бу берилмаган. Локал, шўро даврида бахт уйи дейилган расмий идора - никоҳни расмийлаштириш ташкилоти жойлашадиган маъмурий жой бўларди. Шунини тушунтириш учун ҳам бу бирикма бахт сўзи мақоласи ичида изохланиши керак эди.

Лугатда алик мақоласи ҳам, ваалайкум мақоласи ҳам берилган. Лекин унисида бунисига, бунисида унисига хавола йўқ. Бундан ташқари, бу иккаласининг ҳам саломга жавобнинг қисқарган шакли экани айтилган, бироқ саломга жавобнинг мукамал, тўлиқ шакли - ваалайкум ассалом берилмаган.

Лугатда асосий шакл сифатида букук берилган. Бўкук бир вариант сифатида келтирилган. Холбуки, тесқариси бўлиши керак эди. Асли бўгмок феълидан ясалган (бўг+ок = бўкук) бўлиши керак. Унда тўгриси бўкук бўлади.

Ўзбек адабий тилини жорий этишдаги жиддий муаммолардан бири - "х" ва "х" товушларини чалқаштириш. Бунинг асосий сабаби битта - "х" асл туркий товуш эмас. Шунинг учун кўп шевадаримизда уни "х" тарзида талаффуз этиб кетишаверади. Лекин адабий тил талаби бўйича, "х" - бошка товуш, "х" - бошка товуш. Шунга карамай, адабий тилимизда ҳам бу борада айрим чалқашликлар катъийлашиб қолган.

Модомики, беш жилдли "Ўзбек тилининг изохли лугати" тузилган экан, шу икки товуш масаласида адабий тилимизнинг ўзидаги чалқашликларга чек қўйиб кўя қолиш керак эди. Масалан, адабий тилда хина тарзида ишлатиб келаётганимиз сўзнинг асли -хино. Мухаммад Юсуф бир шеърида уни айнан "о" товуши билан тугайдиган қилиб ёзган эди. Бунини хина сўзи изохида қавс ичида берилган арабий шаклдан ҳам аниқ билиб оламиз. Бироқ яна лугатга хина тарзида қиритилибди (4-жилд, 398-бет), локал, хина деб олсак,

маъкул бўлмасмиди? Хино бу сўзнинг поетик шакли сифатида берилибди (4-жилд, 399-бет). Лекин шу ерда бира-тўла тузатиб, хино шаклини адабийлаштирсак, тўгри бўлар эди. Худди шундай холни халкоб (4-жилд, 381-бет) сўзида ҳам кўрамиз. Асли бу - халка билан об (сув) сўзларининг кўшилмаси. Шунинг учун хозир бира-тўла лугатга халкоб тарзида киритиб, "асрий" хатони тузатиб кетган маъкул эди. Асли форсий зах сўзи ҳам илмсизлик окибатида зах тарзида эски лугатларимизга кириб колган. Лугатда катъият бузилиб, бу сўзнинг форсий шакли араб ёзувида берилмабди, зах тарзида эски хато билан колдирилибди. Асли арабча захира сўзи лугатда тўгри берилган, бироқ резерв сўзининг маънолари изохланган жойда у захира (3-жилд, 371-бет) бўлиб кетибди. Ахир, хар бир янги изохли лугат амалда олдинги хато ва камчиликларни тузатиб бориши лозим эмасмиди?! Чунки шу пайтгача "х" ва "х" масаласида амал килиб келаётганимиз бир койда бор: ўзбек шеваларида кандай талаффуз килинишидан катъи назар, бу масалада сўзнинг араб, форс ва бошқа тиллардаги туб шаклига суянилади, аслида "х" бўлса, албатта, "х" олинади. Шундай экан, янги изохли лугат айрим галати машхурларни тузатиши шарт эди.

Араб тилидан ўзлашган баъзи сўзлар таркибида учрайдиган, гўё кўшимча тарзида ажраладиган "-ат" кўшимчасига мисол тарикасида хато тарзда камолат сўзи ҳам келтирилибди (5-жилд, 573-бет). Холбуки, бу тилимизда камолот тарзида ёзилади. Унинг камолат шакли адабий тилда йўқ. Айнан шунинг учун у лугатнинг камолот сўзи берилган 2-жилдида вариант сифатида ҳам берилмаган.

Лугат тузиш - бир карашда, соф филологик, яъни сиёсатдан холи (гарбона истилох билан ифодаланса, аполитик) иш. Аммо...

Бугунги ўқувчи лугатдаги бир мисолда янги тузум, янги давлат, янги хаёт ва янги одамлар (4-жилд, 184-бет) деган тушунчаларга дуч келса, кайси даврдаги янги тузум, янги давлат, янги хаёт ва янги одамларни тушунади? Албатта, мус-такиллик давридаги! Аммо мисол тамоман шўро мафкураси таъсирида битилган "Бўрондан кучли" романидан келтириляпти. Бугун романда кўзда тутилган янги тузум, янги давлат, янги хаёт ва янги одамлар, ўз-ўзидан маълумки, эски тузум, эски давлат, эски хаёт ва эски одамлар бўлиб колди-ку! Бу ерда мисолдаги янги тушунчаси амалда изохланмай колган.

Ваххобий, ваххобийлик бор, таблигчилик, хизб-чилик, акромийлик, нурчилик йўқ. Афсуски, хаётимизда бундай ёт окимлар ҳам учрайди, уларни тилимизда кайд этишга мажбурмиз.

Бу хато ва камчиликларидан катъи назар, хулоса аник: "Ўзбек тилининг изохли лугати" олимларимизнинг катта захматю машаккати эвазига яратилди. У факат лугатчилигимиз эмас, умуман, тилшунослигимизнинг улкан ютуги, халкимиз маънавий-маърифий хаётидаги йирик воқеа бўлди, деб баралла айтиш керак.

Чунки онг ривожланмас экан, жамият тараккий этмайди.

Жамият ривожланмас экан, хаёт даражаси кўтарилмайди.

Тил тараккий этмас экан, онг ўсмайди.

Чунки онг-тафаккур, илм-фан, техника-технология, маънавият-маърифат хам бевосита тил воситасида ривожланади.

Султонмурод Олим